Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
30 НОЯБРЬ 1970 й
ДУШАНБА
№ 282 (1350).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ИККИ МИЛЛИОН ҒИШТ

Бугун

Йиллик план бажарилди. Завод коллективи йил охиригача яна икки миллион ғишт тайёрлаб бериш мажбуриятини олди.

5-ғишт заводлари бошқармасига қарашли 2-ғишт заводи коллективи шу ҳақда рапорт берди. Пешқадам коллектив беш йиллик планни 20 ноябрдаёқ бажариб қўйган эди. Планни бажаришда Мария Федоровна Лебедова, Федор Николаевич Лукинов бошлиқ смена коллективлари намунали ишладилар.

— Ҳозир заводимизда партиянинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди, — дейди завод бошлиғи Исмоил Мусаев. —Ҳар бир ишчи бунинг учун шахсий меҳнат совғалари тайёрламоқда. Биз бундан буён ҳам ўз имкониятларимиздан тўла фойдаланиб, ҳар қачонгидек план топшириқларини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қиламиз.

Асбобсозлик заводи йил сайин янги техника билан жиҳозланмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг 12-цехидаги янги кўндаланг кесим деталлари ишлаш дастгоҳлари. Бу дастгоҳлар ишчиларнинг иш унумини оширади ҳамда техника хавфсизлигини таъминлайди.

БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ

Лойиҳачилар зафари

Ленин орденли «Гидропроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва ленинча ГОЭЛРО планининг 50 йиллиги шарафига зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятини адо этиш ҳамда КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага қўшилиб, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари бешйиллик плани бажарилганлиги ҳақидаги талаба рапортига имзо чекди. Шу йиллар ичида 25,5 миллион сўмлик ҳажмда лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишлари бажарилди.

Ана шу давр мобайнида меҳнат унумдорлиги 15,9 процентга ошди ҳамда олинган фойда 3,9 миллион сўмни ташкил этди.

Чорвоқ ГЭСи, Ангрен ер ости йўли бўйича техника ҳужжатлари муддатидан илгари ва юксак техника даражасида бажарилди. Чорвоқ ГЭСининг биринчи агрегатини ва Ангрен ер ости йўлини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш имконини беради.

«Саогидропроект» институти коллективи социалистик мусобақани қизғин олиб бориб, Туямўйин гидроузели қурувчиларини 1970—1971 йилларда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишларига мўлжалланган техник ҳужжатлар билан таъминлади.

Шунингдек, Тўхтагул ГЭСи Норак ГЭСи сингари иодир электростанцияларни техника ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Бўлим коллективи янги беш йиллик топшириқларини шараф билан бажариш учун бутун имкониятни ишга солади.

Тошкент — жаҳонга

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЭКСПОРТИ

«Ўзбексельмаш» заводида тайёрланаётган сеялкалар, универсаль кўрак чувиш, подбор териш каби такомиллаштирилган қишлоқ хўжалик машиналари Иттифоқимиздан ташқари хорижий мамлакатлар пахтакорларининг ҳам оғирини енгил қилмоқда.

Бу йил заводнинг Шарқ мамлакатларига экспорт учун буюртмалар сони янада ортди.

Йилнинг дастлабки ойларида Ироқ мамлакатига иккита «УПХ1, 5Б» маркали универсаль кўрак чувиш машинаси ҳамда битта «СЧХ—4А1» маркали сеялка жўнатиш билан завод экспорти бошланган эди.

Йил давомида Эрон, Ироқ, ВДР, Тунис БАР, Яман, Куба ва Марказий Африка мамлакатларига еттита сеялка, иккита тупроққа гербицид соладиган мослама, битта подбор териш, еттита кўрак чувиш машинаси жўнатилди.

Бугун

Вьетнам Демократик Республикаси учун тўртта сеялка тайёрлаб қўйилди. Завод машинасозларни энди сўнгги буюртмаларни бажаришга киришдилар.

Шу ойда Яманга иккита сеялка, Марказий Африка Республикаси учун иккита сеялка ва шунча мослама гайёрланади.

Бу машиналар декабрь ойида буюртмачиларга юборилади. Шунингдек, Кубага минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилади.

Машинасозлар экспорт буюртмаларини муддатидан олдин бажариш учун имкониятлардан ўринли фойдаланишмоқда.



Коммунистик меҳнат зарбдори, КПСС аъзоси Юрий Сапунов трактор заводининг пешқадам ишчиси. Ташли деталлар тайёрлаш бўйича моҳир мутахассис шу кунларда келгуси йил топшириқларини адо этмоқда.

СУРАТДА: Ю. Сапунов.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

БЎЛАЖАК ШИФОКОРЛАР УЧУН

Келгусида И. Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти Ишчилар шаҳарчасидан кўчирилади. Билим юрти жойлашган мазкур бинолар ўсиб бораётган талабларга жавоб бермай қолаяпти.

Ўрта медицина ходимларининг янги билим юрти биноси етти қаватли бўлиб, Чилонзор массивининг Оқтепа даҳасида қад кўтаради. Икки минг ўқувчига мўлжалланган янги бинода барча қулайликлар мавжуд бўлади. Ўқув корпуси, билан ётоқхона ёнма-ён қурилади.

Ўқув корпусида лаборатория кабинетлари соҳалар бўйича алоҳида жойлаштирилади. Лекция заллари, кутубхона ва спорт майдончалари ўзига хос жиҳозланади.

Билим юрти янги биносининг лойиҳасини Ўрта Осиё соғлиқни сақлаш Давлат институти инженер ва техник ходимлари яратишди. Қурилиш ишлари келгуси йили бошланади.

ЮБИЛЕЙ ИЛМИЙ СЕССИЯСИ

Куни кеча Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида Фридрих Энгельс туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган юбилей илмий сессияси бўлиб ўтди.

«Фридрих Энгельс — буюк революционер, назариётчи, олим» деб номланган сессияни Ф. Энгельс юбилейини ўтказиш ташкилий комитет раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. М. Мўминов қисқача кириш сўзи билан очди.

Сессияда фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Ҳ. Хоназаров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Е. Ҳ. Турақулов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари Р. Х. Аминова, Р. Б. Бекжонов, М. М. Хайруллаев, О. Б. Жамолов, тарих фанлари доктори, профессор М. Г. Пикулинлар доклад қилдилар. Докладлар Ф. Энгельснинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳамда Фридрих Энгельс ва ҳозирги замон фани проблемаларига бағишланди.

✻ Техника тараққиёти йўлида

МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТУФАЙЛИ

Трактор йиғув заводининг ишлаб чиқариш участкаларида илмий-техника тараққиётини жорий этишга катта эътибор бериб келинмоқда. Юбилей йилининг ўзидагина корхона цехларида ўн тўртта ярим автомат ҳамда агрегат станоклари ўрнатилди. Шунингдек, механизациялаштирилган бир қанча поток линиялар ишга туширилди. Шулардан иккитаси корпус деталларига механик ишлов беради. Яна иккитаси эса, агрегат узелларини механик йиғиб беради.

Илмий-техника тараққиёти туфайли, қўл меҳнати анча қисқарди. Янги техникаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида, неча ўн минг сўмлаб иқтисодий фойда олинди, ўн уч ишчидан бошқа ишларда фойдаланиладиган бўлди.

Янгиликлар адреси:

ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси коллективи КПССнинг XXIV съездига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Партиямизнинг тарихий анжуманига бағишлаб Тошкент шаҳрида жуда катта кўргазма ташкил қилишга киришилди. Виставка директори С. Ацатуров мухбиримизга ана шу ҳақда бундай деди:

— Съездга бағишланган виставка чиндан ҳам улкан бўлади. Унда минг-минглаб экспонатлар намойиш қилинади. Уларда Совет Ўзбекистонининг беш йиллик мобайнида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, маданият, санъат соҳасида эришган ютуқлари, буюк қурилишлар, социалистик шаҳар ва қишлоқларнинг ривожланиши акс эттирилади.

Шу кунларда республикадаги барча министрликлар ва йирик муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари экспонатларини тавсия қилмоқдалар.

Съезд арафасида очиладиган виставка Ўзбекистоннинг барча ютуқларини кўргазмали экспонатлар билан бирга, диограммалар, фотолар, манзарали плакатлар тили билан ҳам ҳикоя қилади. Бундан ташқари келгуси беш йилликда республикада амалга ошириладиган ишларнинг улуғвор режалари акс эттирилади.

ҲАВАСКОРЛАР КЛУБИ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бу клубнинг роли катта бўляпти. Клуб томонидан тўпланган бой тажрибалар эндиликда жойларда кенг оммалаштирилмоқда.

Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи ҳузурида ташкил этилган радио-телевизор, спорт-техникаси клуби кўпгина ибратли тадбирларнинг ташаббускори бўлди.

Куни-кеча клуб Туркистон Ҳарбий округи жангчилари тарихи музейи билан алоқа боғлади. Музей ходимлари лекция ва суҳбатлар планларини ишлаб чиқишда клуб аъзоларига ёрдам беришди.

Яқинда клуб ҳузурида спорт-техника комплекси тўгараги ҳам иш бошлади.

КАВКАЗ БЎЙЛАБ

«Баҳор» рақс ансамблининг коллективи Закавказье республикалари бўйлаб қилган катта гастрол сафаридан қайтиб келди. Ўзбек рақсоса-лари Боку, Тбилиси, Ереван, Сочи, Ботуми, Нальчик, Махачқала, Кисловодск шаҳарларида элликка яқин концерт беришди.

Мезбонлар ўзбек қизлари завқ билан ижро этган «Озодлик», «Мақом», «Баҳор», афғонча, японча, форсча рақсларни берилиб томоша қилдилар.

Айни чоғда ансамбль рақсосалари партия съездига бағишлаб махсус концерт программасини тайёрлашга киришди. Бу программадан ўрин оладиган номерлар ўзбек аёлларининг ўтмишдаги аянчли тақдири ва бугунги порлоқ истиқболи ҳақида ҳикоя қилади.

НОДИР КИТОБЛАР

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонасида рус ёзувчиси А. Н. Радищевнинг «Петербургдан Москвага саёҳат» деган асари сақланмоқда. Китоб революциядан олдин кутубхонага келтирилган.

Шунингдек, кутубхонада «Игорь жангномаси ҳақида» асарининг адабиётшунос Н. А. Тихонов томонидан 1904 йилда таржима қилинган қўлёзма нусхаси ҳам сақланмоқда.

МЕТАЛЛ—ДАВЛАТГА

Бугун

«Подшипник» заводи коллективи «Узглавтормет»га 1971 йил ҳисобин учун металл топшира бошлади.

Завод металл йиғувчилари бир минг тоннадан ортиқ темир-терсакни қайта ишлашга топшириб, йиллик планни 102 процентга етказиб адо этдилар.

Ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё — металл йиғиш давом этяпти. Ийл охиригача корхона металл чиқиндиларидан яна 200 тонна топшириш мажбуриятини олди.

✻ *Йўловчилар учун*

ҲАВО ЙЎЛИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Шарқнинг ҳаво дарвозаси бўлган Тошкент аэропортида йўловчиларга хизмат кўрсатиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Учувчилар қишки мавсумни ҳам муваффақият билан бошладилар. Шу кунларда, суткасига тўрт мингдан ортиқ йўловчи турли манзилга етказиб қўйилмоқда.

Кейинги ҳафталарда бир неча янги маршрутлар пайдо бўлди. Улардан бири «Тошкент — Ереван» маршрутидир. Бу ҳаво йўли Ўзбекистонда биринчи марта ташкил қилинди. Бундан ташқари, қардош Туркманистон республикасининг марказий шаҳарлари билан ҳам пойтахтимиз ҳаво орқали боғланди. Яқинда, Навоий шаҳрига қатнай бошлаган «ЯК-40» самолёти йўловчиларнинг айни муддаоси бўлди.

Аэропорт коллективи ўн бир ойлик топшириқни муддатидан олдин адо этишди. Учувчилар, айниқса, халқ хўжалик юкларини ҳаво орқали ташишда жуда катта маҳорат кўрсатдилар. Олтин кузнинг айни пишиқчилик кунларида Совет Иттифоқининг энг узоқ шаҳарларига мевалар, сабзавотлар пешма-пеш етказиб берилди. Чукотка, Камчатка, Магадан, Мирный, Иркутск шаҳарларига қарийб тўрт минг тонна ноз-неъмат етказиб берилди.

✻ *Санъат оламида*

Саратовда Ўзбекистон манзаралари

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Михаил Аренин ажойиб мўйқалам соҳибларидан эди. У тасвирий санъатда баракали ижод қилди. Санъаткорнинг асарлари кўргазмасини Саратовга юборди. У ерда ташкил қилинган кўргазма ҳам Ўзбекистон ва Саратов меҳнаткашларини рассомнинг асарлари билан танишиш мақсадида Тошкентга илтимос мактубини йўлладилар. Республика рассомлар союзи уларнинг илтимосини бажо келтириб, санъаткорнинг асарлари кўргазмасини Саратовга юборди. У ерда ташкил қилинган кўргазма минглаб томошабинларга манзур бўлмоқда.

«Ангренда кўмир қазиш», «Теримчи аёл», «Зарафшон водийсининг дарёси», «Катта қўрғон каналининг қурилиши», «Депутат Аҳмедова», «Н. Зокирова портрети» каби асарлар кўргазмадан ўрин олган. Бундан ташқари, санъаткорнинг Улуғ Ватан уруши йилларида ижод қилган лавҳалари катагина альбомни ташкил қилади. Альбомда ўзбек жангчиларининг кўрсатган матонат ва мардликлари мадҳ этилади.

БАДИИЙ ФОНД



Шаҳримизнинг Олой бозоридаги Куйбишев район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли 15-иншлоқ хўжалик маҳсулотлари магазинида аҳолига сабзавот, гўшт ва мева каби маҳсулотлар сотиш намунали йўлга қўйилган.

СУРАТДА: магазинда савдо пайти.

СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг бой ижодиёти намуналари ҳозир мамлакатимиздаги қатор йирик санъат музейларида мустақил экспозиция сифатида муносиб ўрин олган. Третьяков галереяси, Қозоғистон ССР Давлат галереяси ва Ўзбекистон ССР бадиий фондида мўйқалам соҳибининг энг яхши асарлари бор. «Туямўйин сув омбори», «Тоғда». «Тоғдаги йўл» каби йирик полотнолар шулар жумласидандир.

Яқинда Молдавияда атоқли ижодкор асарларидан иборат катта экспозиция ташкил этилди.

Ўзбекистонлик рассомнинг бу расмлари Кишиневдаги Давлат бадиий санъат музейига қўйилди.

ФАН ОЛАМИДА

ЗИЙНАТЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Ботаника боғи олимлари табиатга гўзаллик ва латофат бахш этадиган зийнатли ўсимликларни ўрганиш борасида дикқатга сазовор ишларни олиб боришмоқда. Айниқса, бошқа мамлакатларнинг табиатига хос бўлган дарахтларни Ўзбекистон иқлимига мослаштириш ишлари диққатга сазовордир.

Совет Иттифоқининг Жанубий Европа қисмидан олиб келинган эман дарахти ўзбек диёрида гуркираб ривожланмоқда. Пирамида шаклидаги бу дарахтнинг афзаллиги шундаки, унинг шохшаббалари жуда чиройли бўлиб, турли касалликларга бардош бера олади.

«Лола» деб аталмиш дарахт эса, Шимолий Америка табиатига хосдир. У ердан келтирилган бу ўсимлик ҳам, ўзининг хусусиятларини, кўринишини, кадди-бастини йўқотмади. Унинг барглари тўқ яшил бўлиб, шакли эса лира чолғу асбобига ўхшаб кетади. Гуллари ниҳоятда нафис ва муаттардир. Кадди-басти кенг пирамида шаклини ҳосил қилади.

Шимолий Америкадан келтирилган яна бир ўсимлик «Арзимина» деб аталади. У резавор бўлиб, меваси лаззатлидир. Таъми эса қаймоқни эслатади. Бу ўсимлик намуналари Ленин хиёбонида экилади.

Институт бу ўсимликларни кўпайтириш ва улардан ободонлаштириш ишларида фойдаланиш учун турли тадбирлар кўрмоқда. Улар Р. Шредер номли виночилик-боғдорчилик институтида ва Тошкент кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш совхозида кўпайтирилади.

ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ БЎЙЛАБ

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамияти диққатга сазовор ишларни олиб бормоқда. Кўпгина мамлакатларда социалистик Ўзбекистон эришган муваффақиятларга бағишлаб турли хил тадбирлар ва маросимлар ўтказилмоқда. Куни кеча жамият йўлланмаси билан маданият ходимлари делегацияси Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнаб кетди. Делегация бошлиғи Ўзбекистон ССР Маданият министрининг ўринбосари А. Муҳамедов мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Биз қўшни Афғонистон, Эрон, Ироқ мамлакатларида бўламиз. У ерга боришдан мақсад дўстларни ўзбек маданияти ва санъати билан таништиришдир.

Чет эларда

БАР БОШ МИНИСТРИНИНГ НУТҚИ

ҚОҲИРА. Бош министр Маҳмуд Фавзий Бирлашган Араб Республикаси миллат мажлисининг сессиясида сўзлаган нутқида қўйидагиларни айтди: халқ оммасининг ҳодиш-продасини ифода этувчи Миср ҳукумати марҳум президент Жамол Абдил Носир қўйган мақсадларни амалга оширади.

Маҳмуд Фавзий социализм қуриш ва мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш Бирлашган Араб Республикасининг мақсади эканлигини айтиб, қуйидагиларни уқдириб ўтди: Миср халқи Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар билан, шунингдек, Осиё ва Африкада блокларга қўшилмаган давлатлар ҳамда ривожланиб бораётган мамлакатлар билан дўстона муносабатларни доимо ривожлантираверади.

(ТАСС).

СЎЛ КУЧЛАР ҒАЛАБАСИ

САНТЬЯГО. Халқ бирлигига кирган ёшлар ташкилотлари блоки мамлакатдаги энг йирик студентлар ташкилоти — Чили студентлар федерациясининг раҳбар органини сайлашда ғалаба қозонди.

Христиан — демократик ёшлар ўнг миллий партиядаги ёшлар билан иттифоқ бўлганликларига қарамай, аввалги сайловдаги каби бу сафар ҳам ғалабага эришолмади.

Коммунист Алехандро Рохас ўтган йилги сайловдагидек бу сафар ҳам Чили студентлари федерациясининг раиси қилиб сайланди.

(ТАСС).



ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ. Бу сурат Куангчи вилоятидаги жангларнинг бирида олинган. Халқ озодлик Қуроллн Кучларининг жангчилари Америка-Сайгон қўшинларн десантига қарши ўт очишмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ
ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ АХБОРОТИ

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ

Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судларига сайловлар ўтказиш ҳақидаги Низомнинг 29 ва 30 бобларига биноан, меҳнаткашлар депутатлари район Советларининг ижроия комитетида Тошкент шаҳар халқ судларига сайловлар ўтказиш бўйича қуйидагилар судья номзодлигига рўйхатга олинди.

ЛЕНИН РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Брова Клавдия Назаровна, 1924 йилда туғилган, украин, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Ленин район халқ судининг раиси. В. И. Ленин номли якка буюртмалар фабрикаси ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Завалко Нина Георгиевна, 1923 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судьяси. «Учқун» фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сидиқўжаева Роза Ғуломовна, 1930 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судьяси. 1-авторемзавод ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Юсупов Абрам Ёқубович, 1921 йилда туғилган, яҳудий, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ судьяси. Граждан авиацияси заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

5-САЙЛОВ ОКРУГИ

Замонбоева Адолат Расулевна, 1926 йилда туғилган, ўзбек, партиясиз, олий юридик маълумотли, Фрунзе район халқ судьяси. Темир йўл техникуми коллективидан.

6-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сирожиддинов Холхўжа, 1921 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар судининг аъзоси. Электрон-техника заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

7-САЙЛОВ ОКРУГИ

Раҳматуллаев Ниғмат, 1914 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Сергели район халқ судининг раиси. 3-таксомотор парки ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Муҳамедов Убайдулла, 1923 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, ўрта юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ судининг раиси. Қишлоқ хўжалиги механизацияси ва ирригация инженерлари институти коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Сулаймонов Раҳим, 1924 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судьяси. Трактор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Иванова Панна Михайловна, 1928 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ судьяси, Трактор заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Қосимова Марҳамат, 1918 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Куйбишев район халқ судьяси. Экспериментал-биология институти ходимлари коллективидан.

КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Азизхўжаев Аббос Абдуазизович, 1926 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Киров район халқ судининг раиси. Асбобсозлик заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Қосимова Ҳакима, 1923 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Киров район халқ судьяси. «Узбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Расулов Озод Сирожович, 1933 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ судьяси, «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларн коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Землянская Агрипина Куприяновна, 1919 йилда туғилган, рус, партиясиз, олий юридик маълумотли, Ўзбекистон ССР Олий Судининг катта консультанти. Трикотаж фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Дадажонов Собит, 1930 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судининг раиси. «Миконд» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Йўлдошев Шукур, 1927 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Ленин район халқ судьяси. Бадиий буюмлар фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Тўраев Аъзам Тўраевич, 1937 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг катта инструктори. Тошкент маданий-оқартув техникуми ўқитувчилар ва студентлар коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Журавлева Валентина Ивановна, 1928 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Ленин район халқ судьяси. «Ташгипрогор» институти ходимлари коллективидан.

5-САЙЛОВ ОКРУГИ

Хонхўжаев Тўлан, 1930 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Фарғона область судининг аъзоси. Кўнмўйна заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Усмонов Темир, 1929 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Ўзбекистон ССР прокуратураси бўлимининг прокурори. Сут комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Зуфаров Ҳикмат, 1927 йилда туғилган, ўзбек, партиясиз, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ судининг аъзоси. 3-нон заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Солихов Паттох, 1929 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ судьяси. Гўшт комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Скалевая Тамара Александровна, 1919 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ судининг раиси. «Главташкентстрой» 153-қурилиш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

5-САЙЛОВ ОКРУГИ

Багдасарова Седа Михайловна, 1924 йилда туғилган, арман, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судининг раиси. Пластмасса буюмлари заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

6-САЙЛОВ ОКРУГИ

Турсунматов Нурмамат, 1938 йилда туғилган, тожик, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Киров район халқ судьяси. «Ташинжстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Одилов Обид, 1923 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Тошкент шаҳар Чилонзор район халқ судьяси. Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Дадамьянц Гамлет Арсентьевич, 1932 йилда туғилган, арман, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Ҳамза район халқ судининг раиси. «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Амиржонов Маҳкам, 1915 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судьяси. Пардозлаш трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Исҳоқова Ҳалима Исмоиловна, 1926 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли Тошкент шаҳар Ленин район халқ судьяси. 1-пойафзал фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Дирягин Геннадий Александрович, 1917 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судьяси. Сергелидаги 1-тикувчилик фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Султонов Ато, 1917 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Сергели район халқ судьяси. 1-мебель фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

ҲАМЗА РАЙОНИ БЎЙИЧА

1-САЙЛОВ ОКРУГИ

Аҳмаджонов Маҳмуд, 1928 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Ҳамза район халқ судининг раиси. «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

2-САЙЛОВ ОКРУГИ

Калинина Лидия Павловна, 1925 йилда туғилган, рус, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Киров район халқ судьяси. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

3-САЙЛОВ ОКРУГИ

Хушатов Бахриддин, 1942 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли. Тошкент шаҳар Ҳамза район халқ судьяси. 1-уйсозлик комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

4-САЙЛОВ ОКРУГИ

Набиева Мэри Хикматовна, 1938 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий юридик маълумотли, Ўзбекистон ССР Олий судининг катта консультанти. «Ташоблтранспецстрой» трести ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективидан.

Планетамиз янгиликлари

ТИНЧЛИК ҲАРАКАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УМУМЕВРОПА УЧРАШУВИ

СОФИЯ. 23-24 ноябрда бу ерда Европа давлатларида тинчликни ҳимоя қилиш миллий ҳаракатлари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Бу кенгашда 21 мамлакатнинг вакиллари қатнашди.

Кенгаш Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлик билан боғлиқ бўлган масалаларни, шунингдек 1971 йилда Европа мамлакатларида тинчлик учун кураш ҳаракати фаолиятининг программасини қараб чиқди, дейилади кенгашнинг иши тўғрисидаги ахборотда.

Ҳозирги вақтда Европадаги аҳвол, деб таъкидлаб ўтилади ахборотда, мавжуд реал вазиятни тобора кенг кўламда тан олиш билан характерланади. Бу ҳол, жумладан, СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартноманинг имзоланишида, шунингдек Польша Халқ Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги шартномани имзолаш учун тайёрлаб қўйилганлигида ўз ифодасини топди.

Кейинги воқеалар Европа жамоатчилик фикри кенг доиралари снёсий муҳитни кескин суратда яхшилаш ва тенглик ҳамда тинч тотув яшаш принциплари асосида барча давлатларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга эришиш учун интилаётганлигини акс эттиради.

Ахборотда яна бундай дейилади: кенгаш қатнашчилари Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан яқин келгусида Умумевропа кенгашини чақириш фикрини зўр бериб қўллаб-қувватладилар. Европа мамлакатлари ўртасида иқтисодий, илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш бу соҳадаги муҳим иш бўлмоғи керак. Кенгаш қатнашчилари Германия Демократик Республикасини шу вақтгача тан олмаган ҳукуматлар уни халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этишлари зарурлигини қўллаб-қувватладилар ва бу йўлда актив ҳамкорлик қилишга қарор бердилар.

Кенгаш қатнашчилари 1971 йилда кенг кўламда биргалашиб ҳаракат қилиш зарурлигини айтдилар.

(ТАСС).

Чили комсомоли Марказий Комитетининг Пленуми

САНТЬЯГО. Бу ерда Чили Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида мамлакат ёш коммунистларин и н г 250 вакили иштирок қилди.

Уч кун давом этган Пленумда янги ҳукумат программасини амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирокига доир масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, саводсизликни тугатишда, ишсизлик билан курашда коммунистик ёшлар союзи аъзоларининг актив қатнашиши ҳақида қарор қабул этилди.

Пленум антимпериалистик позицияда турган мамлакатдаги барча ёшлар ташкилотлари бирлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор берди.

(ТАСС).

Гвинеядаги воқеаларга доир

ДАКАР. 22 ноябрь кечаси Гвинея соҳилига туширилган 350 интервенциячиларда а н 200 дан ортиқ киши Конакрн атрофидаги жангларда қириб ташланди. Шу жойда чиқадиган «Солей» газетасининг бугунги сонида босиб чиқарган хабарида айтилишича, Конакридан Дакарга қайтиб келган Сенегал делегациясининг аъзолари шу тўғрида сўзлаб берганлар. Делегация аъзолари Конакрида Сенегал дарёси ҳавзасидаги давлатлар ташкилоти министрлар кенгашининг фавқулодда сессиясида қатнашган эди.

Делегация аъзоларининг айтишича, интервентлар Португалиянинг ўнта десант кемасида Конакрига яқинлашиб келганлар. Улар соҳилга туширилганидан кейин асосан шаҳар атрофидаги президент боғига, аэропорт, радио уйига ва одатда ҳукуматнинг энг муҳим мажлислари ва конференциялар ўтказиладиган халқ саройига ҳужум қилишни кўзда тутганлар. Президент Секу Туре шу пайтда Конакридаги президент саройида ўзининг иш кабинети да бўлган.

«Солей» газетасининг ёзишича, ёлланган сотқинлар «оппозиция чи кучлар» исёнига умид боғлаганлар. Улар Гвинеяда шундай кучлар бор деб ўйлаган эдилар. Аммо уларнинг ана шу мўлжаллари чиппакка чиқди.

Гвинея маъмурлари шошилинч чоралар кўриши натижасида ёлланган сотқинларнинг ҳужуми муваффақиятли суратда даф қилинган.



ЖАЗОИР. Кичик Кабилия (Сетиф департаменти) тоғ этакларида арпа ўрмни. Тоғ ва тошли шаронтларда қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олиш учун бу ўлка аҳолиси кўпгина гайрат сарфлайди.

А. Скрипкин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

• • •

БУГУНГИ БЕЛГРАД

СУРАТДА: Сава дарёси соҳилидан Белграднинг кўриниши.

В. Егоров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

• • •



АНГЛИЯДА ИРҚИЙ КАМСИТИШ

ЛОНДОН. Осиёда лиядаги ишсизликнинг Африка мамлакатларидан кўчиб келган кишилар Британия оролларида ирқий камситилишга ва хўжайинлар қилаётган ўзбошимчаликка ҳар доим дуч келмоқдалар.

«Обсервер» газетасида эълон қилинган маълумотларга қараганда, миллатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан келган 16—24 ёшдаги ёшлар орасида ишсизлик ўрта мактабларни тамомлаб чиққанлар орасидаги ишсизлик даражасидан 22 баравар ошиқ ва Англумумий даражасидан 10 баравардан зиёдроқ. Бунга асосий сабаб улар танасининг қоралигидир.

Расмий кишиларнинг айтишига қараганда, танасининг туси бошқача бўлган кишилар дипломлари бўлса ҳам кўпинча техникавий ёки маъмурий лавозимларга тайинланмайдилар. Аммо, оқ танли кишилар ҳатто тегишли маълумотларн бўлмаса ҳам бундай лавозимларга тайинлана беради лар.

(ТАСС).



Чехословакияда Чехословакия-Совет дўстлиги ойлиги давом этмоқда. Унинг кенг программасида Совет маданиятн кунларига катта ўрин берилган.

СУРАТДА: С. М. Киров номли Ленин орденли Давлат академик опера ва балет театри артистларининг чиқишлари.

ЧТК—ТАСС фотосн.

«ДЕФА»нинг кумуш юбилейи

Совет томошабинларига яхши маълум бўлган «Дефа» киностудияси ўзининг 25 йиллигини нишонлашга тайёрланяпти. АПНнинг Берлиндаги мухбири Н. Воронова ГДР маданият министрининг ўринбосари Гюнтер Кляйн билан учрашди ва ундан немис кинематографчиларининг ижодий йўли ва планлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Янги социалистик Германия кино санъатини вужудга келтиришда 20-йиллардаги немис революцион-пролетар фильмлари, шунингдек совет кино усталари яратган ҳамма энг яхши фильмлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатди,—деди Г. Кляйн,— «Дефа» яратган «Хоин бизнинг орамизда», «Садоқатли», «Нон бизнинг ризқи-рўзимиз» (режиссёрлари Вольфганг Штаудте, Курт Метциг, Златан Дудов) деган биринчи антифашист фильмлардаёқ инсонпарварлик анъаналарининг тикланиши яққол кўринди.

Социалистик жамият қурилиши, янги кишини тарбиялаш учун кураш олиб бориш кинематографлар учун кенг темалар доирасини юзага келтирди. «Дефа» назар доирасида турмушимиздаги кескин муҳим масалалар намоён бўлади.

Биз ҳамма фильмлар ҳам бир хилда муваффақиятли чиқмаётганини биламиз. Баъзан муаллифлар ишлаб чиқаришга бағишланган фильмни яратаётганларида янги турмуш қурувчи кишининг ўзини, унинг фикр ва туйғуларини панада қолдирадилар.

Биз «Дефа»нинг 25 йиллиги арафасида немис кинематографларининг симпозиумини ўтказишни белгиладик. Унда ҳозирги кун, замондошларимиз ва биринчи галда ёшларимиз ҳақидаги фильмларни қандай қилиб яхшироқ яратиш ҳақида гап бўлади.

Гап шундаки, ёш томошабинлар, менинг фикримча, жамоатнинг энг таъсирчан ва талабчан қисми ҳисобланади. Шунинг учун ёшларни бепарво қолдирмайдиган, уларни ўйлаш, ижод қилиш, яратишга мажбур этадиган фильмларни юзага келтириш жуда муҳимдир.

Биз ёшларни ўтмишнинг қаҳрамонона анъаналари руҳида тарбиялашга катта эътибор берямиз. Пролетар интернационализми, немис ишчилар ҳаракатининг тарихий темалари сценарийчилар ва режиссёрларнинг эътиборини ҳамиша ўзига тортмоқда. Ҳозир «Дефа»да немис халқининг атоқли фарзанди Карл Либкнехт ҳақидаги трилогиянинг «Ҳеч нарсага қарамай» деб аталган иккинчи қисми суратга олинияпти. Шунингдек, яширин иш олиб борган антифашистлар курашига бағишланган «Қизил капелла» фильми устида иш олиб борилмоқда.

Гюнтер Кляйн кейинги вақтларда «Дефа» яратган энг қизиқарли лентлар ҳақидаги саволга жавоб бериб қуйидагиларни қайд қилиб ўтди:

— Биринчи навбатда «Яшайдиган вақт», фильми, албатта. У катта муваффақият қозонди. Бу табиий бир нарса. Чунки, унда шахсий масалалар ижтимоий масалалар билан чатишиб кетади. Бу фильм ёш режиссёр Хорст Зеемернинг биринчи иши эканлигини қайд қилиб ўтиш, айниқса, ёқимли. Сўнгра мен Ральф Керстеннинг «Тармоқ графиги», Зигфрид Кюннинг «Кучланиш майдонида», Лотар Варнекеннинг «Медицина врачи Зюммер» фильмларини тилга оламан. Бу фильмларни яратувчилар ҳам Москвадаги Бутуниттифоқ давлат кинематография институтининг собиқ студентлари бўлган ёш режиссёрлардир.

Юқорида қайд қилиб ўтилган фильмларнинг деярлик ҳар бирида совет артистлари қатнашади. Умуман бизда қардош мамлакатларнинг кинофильмлари жуда шуҳрат қозонганини кўрсатиб ўтмоқ керак. Ўтган йили биз совет фильмларини тематик намойиш қилдик. Бу йил республика меҳнаткашлари Ленин ҳақидаги энг яхши лентaларни томоша қилдилар. Яқинда Октябрь 53 йиллигига бағишланган совет фильмлари ҳафталиги муваффақиятли ўтди.

— Иккала мамлакат маданият арбоблари ўртасидаги ижодий алоқаларнинг тинмай кенгайиб боришини қайд қилиб ўтиш биз учун қувончли,— деди хулоса қилиб Г. Кляйн.

(АПН).

ВАҲШИЁНА ХУРУЖЛАР

Озодлик матбуот агентлиги Жанубий Вьетнамдан хабар беради:

Америкалик агрессорлар заҳарли химиявий моддаларни тобора кенг кўламда ишлатмоқдалар.

Америка самолётлари кейинги бир неча ой ичида Марказий Вьетнамнинг кенг территориясига, шу жумладан, Куангнам, Ку Кингай, Ниньтхуан, Биньдинь вилоятларига кўп миқдорда заҳарли химиявий моддаларни ташладилар. АҚШ ҳарбийларининг ана шундай ваҳшиёна хуружлари натижасида неча ўн минг гектар майдондаги шоли ва мевазорлар нобуд бўлиб кетди. Жанубий Вьетнамнинг кўп аҳолиси жафо чекди, шунингдек, Жанубий Вьетнамдаги кўп областларда яшовчи тинч аҳоли модий жиҳатдан катта зарар кўрди.

(ТАСС).

XX аср овози

Мирзода ИШҚИЙ

ЭРОН

Ватан ишқи

Гўрга кирсин бош, аламдан ерга бош урсам агар,
Юртидан маҳрум бўлганлар қаерга бош урар!
Дўппимас юртимки бошимдан агарда олсалар,
Бошқа бир дўппи олиб, бошимга кийсам ҳар сафар.
Ўз кулоҳин бошидан олдирмаганлар мард эрур,
Мард эмасман беватан, бебошпана юрсам агар.
Бундай одам мен эмасманки ватан тақдирини,
Қолдириб ўз ҳолига, юрсам-да ўздан бехабар.
Эй, фалак, гар ёвни сен ер бирла яксон этмасанг,
Мен сени албатта этгум бир куни зеру забар.
Мен босиб ўтганда душман лашкарининг мурдасин,
Мақсадимга шунда етгайман, шудир менга зафар.
Майли, қўлингдан на келса, қил бугун эй зўравон,
Пайт келарки қўлларим бошингни беармон эзар.
Мен, ажал қай кун келаркан, деб туролмайман кутиб,
Алмашурман бу тирикликни ўлимга беҳазар.
Ишқийнинг пок ишқига бешиксан, эй дилбар ватан,
Ҳам шунинг-чун фикру зикринг бирла мен шому саҳар
Дайди эрмас, эй ватан, бошимда ишқинг барқарор.
Сохтамас меҳринг, ким айтар дил ўтида ўзгарар,
Жисмаро ишқинг яшар, меҳринг дилимда доимо,
Сут билан кирмиш таннмга, энди жон бирла чиқар.

ЧУСТИЙ таржимаси.

То ХОАЙ

(ВДР).

НИЛУФАР МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

КИМ СИЗНИ ЙЎЛЛАДИ?

Эй, иблислар,
Эй, илонлар,
Эй, разиллар!
Ким сизни йўллади бу ёққа,
Менинг она юртимга!
Ким амр этди сизга Вьетнамнинг озод
Овозини бўғиб,
Сокин далаларнин
Заҳарламоққа!..
Мактаб, касалхона, уйларин ёқиб
Ҳаёт уруғларин йўқотсангиз гар,
Сизнингча, абадий сўниб қолармн,
Сўниб қолармикан қўшиқ ва шеърлар!..
Ким сизни йўллади!
Бу ерда Ватаннинг олий иши-чун
Етарлича эди ҳар кимга юмуш:
Экинлар суғориш, заводлар қуриш...
Ким бу ёққа йўллади сизни!
Афтидан, у кимса билмаган
сизнинг бу ўлкада
Ҳар мурғак боланинг
Урмонда дарахтнинг,
Ҳар бир шохчанинг,
Ҳатто майсаларнинг
Қаҳрли қудратнга дуч келишингизни!
Лаънатларим сизга!
Лаънат, разиллар!
Америка!
Эшитяпсанми! Мен қичқиряпман
Ғазабу нафратдан — азобдан эмас!
Сенга қичқиряпман, Америка! Эшитяпсанми!
Менда йиғирманчи аср нидоси!

М. МИРЗАЕВ таржимаси.

Салоҳ ҚОҲИН

БАР

ДУНЁ

Дунё—
тўсинларга бўй бермас
дарёларнинг
шовуллаб оқишидир.
Дунё—
ғалаёнга келган денгизнинг
қирғоқларга бош урган
тўлқини.
Инсон,
сенинг иссиқ кафтларингдаги
яшил зайтун новдачаси—
дунёга ўхшар.

Тик қояда чулдирайди қуш,
тоғ тизмаси узра тип-тиниқ
осмон,
қирмиз рангга киради шафақ,
саратоннинг тафти пасаяр,
маҳбубанг нигорон кутади сени,
дунё деганлари шу эрур, инсон!
Эй, илк бора
тонг отар палла
Менга қўлин чўзган
ҳамнишин!..
Мен нечун истайман
ахир ўз —хонадонимда,
менинг курран шарифимда
уруш бошланишин!

О. ҲОЖИЕВА таржимаси.

Роберт РОЖДЕСТВЕНСКИЙ

РОССИЯ

МИССИСИПИ

Миссисипи дарёси
узундан узоқ.
Бу тунниинг шуъласи
осмон уфқида...
Овоз беринг,
ер оналари,
овоз!
Шу Ер болалари
сесканинг энди!
Бу кеча,
айбдорларни
топар.
Дарё шағирлайди,
гумбурлар дарё...
Қонли балахон кийган
одамлар,
жизғин ҳоч устига
босдилар оёқ.
Тўқ назар ташлашар
ҳамда бепарво.
Бўғизларига
кимнингдир сиртмоқ ботар...
Миссисипи
узундан узоқ дарё
оҳиста-оҳиста
ер бўйлаб
оқар.
Шовқун ва нолалар
узра
қуюлар.
Қўл урмоққа
қўрқаман
қирғоғига.
Мана фаҳш дарё
тентираб борар
Жанубий Африка иттифоқига!
Асрларни
бузадир
асабий
«Биродарлар,
ёр-дам!!»
деган бир
нидо.
Оҳиста-оҳиста
оқар
Миссисипи —
қоп-қора қонлардан
семирган дарё.
Қўрқинчлидир у
мангулик ситамдан,
ва разилнинг ҳаёти янглиг —
ифлос.
Ўжар, суллоҳ дарё ортидан
шу дам
юракларга
босиб оқар нафрат!
бос!
Ҳа, нафрат судралар,
аниқдир арши,
Нафрат
оғир машиналар асрига.
Нафрат
ғайри лаҳчага қарши.
Нафрат
йироқ қариндошу наслига!
Ўзгача қиёфа ҳам
нафрат қўзготар,
нафрат уйғотади
ғайри хулқ-одат...
Оналар
сўзсизгина сўзлар
оҳ тортар.
Уйқуси ичида
тўлғонар гўдак.
Қонунлар ичра олим
иврисирди.
Қарри чол туфугин артар
ва аксир...
Кўзимга кўринар
таниш юзларда
лаънати ва осий
бу дарё акси!
Мавзоларидир унинг
сиёҳ,
безиё.
Тун кўлкаси каби
булутлар қаро...
Миссисипи
узундан узоқ дарё,
узундан узоқ
иблисий дарё.

Рауф ПАРФИ таржимаси.



Таниқли монгол адибаси Удвал шонра Зулфия билан.
М. Нуриддинов фотолари.

ГИЛЬВИК

ФРАНЦИЯ.

БОШҚАЛАР

Кетимиздан келар бошқалар.
Кўпроқ бўлар сабри уларнинг.
Эпчиллиги ва қатъияти,
Қўркамлиги кучини кўриб
Уларга ер бўлажак таслим.
Ёрдам берар уларга шунда
Биз яратиб кетган қўшиқлар.

М. АЪЗАМОВ таржимаси.

Эдуардас МЕЖЕЛАЙТИС

ЛИТВА

ОЛМА

Юлдузларга тўла осмон бошим узра қалпоқдир,
Унинг юлдуз—олмаларн тилларанг, ярқироқдир,
Оҳ, мунча ярқироқдир!
Бу серолма коннотга маст-у лол боқаман мен.
Нега ўхшар бу муқаддас, азиз курран замин?
Қандай экан бу замин?
Тасаввурим қозонида кўраман таҳлил қилиб:
Бу курран замин турар юмалоқ олма бўлиб.
Бошим узра осилиб.
Қуёшга ўнг турган палла аллақачон қизарган.
Аста-секин ранг олмоқда иккинчи палласи ҳам,
Ҳа, бошқа палласи ҳам.
Бир қурт тинмай кемиради, қора қўнғизи хушлайди,
Лекин олма тураверар, ҳеч узилиб тушмайди.
Йўқ, узилиб тушмайди.
Боғбон оқил, моҳир ахир. Шундай бўлади якун:
У палласи ҳам етилар, қип-қизил бўлар бир кун,
Қип-қизил бўлар бутун.
Юлдузларга тўла осмон бошим узра қалпоқдир,
Унинг юлдуз — олмалари тилларанг, ярқироқдир.
Ул олмалар қизармоқда...
тобора яхшироқдир.

Машраб БОБОЕВ таржимаси.

Абдулваҳҳоб ал БАЁТИЙ

ИРОҚ

БАҒДОД ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Юлдузим, офтобим, бўстоним Бағдод,
Ҳасратү дарду дилистоним Бағдод.
Оҳ қачон мен сени тақрор кўргайман,
Ғамгин ва осуда осмоним Бағдод.
Тўлқинли Тихрни ҳамон кўргайман,
Бугун юзларида ҳазон кўргайман.
Ҳорғин қушларим ҳам кетдилар ташлаб,
Ўтди дамлар, ўтди қачон кўргайман!
Бағдодим, эй хурмозор шаҳрим менинг,
Эй кўҳна сардобалар—баҳрим менинг,
Оҳ, қачон авлодлар кўзин артарсан,
Қотибдир кўз ёшларим — қаҳрим менинг.
Йўлкаларни савар абрў найсонлар.
Йўлкаларда ётар ғариб инсонлар.
Изтиробинг бормикан ҳеч ҳудудн,
Йўлкалардан сизиб оқар бу қонлар.
Кўрарманми сени эй она халқим:
Ки байроққа тўсилиб қолсин осмон,
Қолсин у оловлар ичида қалқиб,
Токи фалакларга етсин бу исён.
Юлдузим, офтобим, бўстоним Бағдод,
Ҳасрату, дарду дилистоним Бағдод,
Оҳ, қачон мен эшитгайман охирн,
Ғазабли, қаҳрли забонинг Бағдод.
Танқолликка ташладилар беомон,
Тутилган еримдан оҳ, айирдилар,
Қувғинлин филофи чирмади ёмон,
Бу ғавғолар қанотим қайирдилар.
Қора бўронлардан ўтиб борурсан,
Бугун нафратингни ютиб борурсан,
Мен зангор кўклардан қараб турибман —
Ғалаба байроғин тутиб борурсан.

П. РАУФ таржимаси.

Ленгстон ХЬЮЗ

АМЕРИКА

Ўлган одам ҳақида баллада

Бечорани кўмишга йўқ пул,
Қирқ беш танга йиғилган бори.
Тобуткаш дер қуйманиб нуқул:
«Олтмиш танга бўлсайди
зора...»
Яқинлари, дейлик, қазиб қабр
Ва борингки, топсин от-улов,
Лекин ёмон бўлмасди, ахир,
Бир жуфт машин топилса бир
роз.
Пул йиғишга тушди хотини,
Лаънат ўқиб бундай ҳаётга.
Ким қанча қарз қилса—отиин,
Олиб қўйди рўйхатга ёдга...
Эри учун елиб-югурди.
Бир нав дафн қилинсин учун.
Дўстлар гулдан чамбар буюрди,
Адо этиб улфатлик бурчин.
Вазифасин ўтаб руҳоний,
Олмайман дер беш тангадан
кам.
Сўнг марҳумга бўлиб дуогўй,
Олқаб қўяр тирикларни ҳам.
Ва ниҳоят тортилди тупроқ...
Сен ҳам, жаноб ташвиш тортма,
қўй!
Йўқ энди у бечора мутлоқ,
Насия сўраб келмас, этиб бўй.
Бироқ, нега дафн қилмоқ ҳам,
Бунча қиммат тушар ҳар
маҳал.
Ҳаққи йўқми умри битган дам.
Тинч ўлмоққа шўрлик
камбағал?

ОТАЁР таржимаси.

Жеймс НГУГИ.

КЕНИЯ.



МАНЗИЛ жуда олис эди. Йўл билқ-билқ чанг. Оёқ боссанг чанг тўпиғингга чиқади. Йўлнинг охири йўққа ўхшайди. Чанг - тупроққа парво қилмай, олисларга кўз тикканча бир йигит олға босарди. У эгнига тўзиб кетган костюм кийиб, елкасига тугунча осиб олганди.

Вақти-вақти билан у бошини юқорига кўтариб қуёшга қараб қўярди. Баъзан эса шох-шаббалар билан ўралган парча-пурча ерлардаги сўлиб, қуруқшаб ётган маккажўхори ва лўяларга назар ташларди. Экинзорлар илтифотсиз, ҳолдан тойганга ўхшардилар. Камау, олдин ҳам худди шундай бўлганлигини эслади. «Мумау» ҳаракати пайдо бўлмасдан анча олдин қашшоқ деҳқонларга қарашли пешона тери тўкилган ерлар оқ танлиларнинг катта, кўм-кўк экинзорларидан фарқ қилиб турарди.

Йўлдан чапга сўқмоқ кетганди. Бир дақиқага у қотиб қолди, кейин худди иккилангандек сўқмоққа қадам қўйди, шундагина унинг кўзлари ёришгандек бўлди. Ҳув анави ерда, пастда, унинг она қишлоғи. Водий дарахтларнинг қуюқ соясидан юзланиб турарди. Демак, сой ҳали қуриб қолмабди-да. Сойдаги сувнинг шилдираб оқиши унинг юрагини тўлқинлантириб юборди. Кувончдан юраги сапчиб кетай дерди. Шу заҳоти, у ўтиб кетган кунларини эслади. Эҳтимол, сой бу дағал одамда бир вақтлар ялангоч бўлганча муздай роҳатбахш сувда маза қилиб чўмиладиган болакайни танимаётган бўлса керак.

Сойдан хотин-халажлар сув олишмоқда эди. Камау узоқданоқ улардан баъзиларини танинди. Ҳув анависи кампир Ваньюки, унинг кар ўғлини инглизлар ўлдиришганди.

Уни қандай кутиб олишаркин-а? Аввалларн Камауга ишонишар ва ҳурмат қилишарди. У одамлар олдига югуриб бориб, овозининг борича: «Мана мен, ниҳоят, қайтиб келдим!» деб бақиргиси келди. Лекин у ўзини тутиб олди, ахир, у эркак-ку.

— Яхшимисизлар!—Бир неча одам унга жавоб қайтаришди. Бошқалари эса, унинг саломини эшитмагандай индашмади. Узи нима гап? Наҳотки, у лагерда шунча кўп вақт бўлган бўлса? Унинг кувончи бир дақиқадаёқ сўниб қолди ва синиқ овозда:

— Мени танимаяпсизларми?— деб сўради.

Шунда аёллар унга диққат билан қарадилар. Аёллар уни атиги тан олгилари келмаётганга ўхшарди. Ниҳоят, Ваньюки таниди. Лекин у гап бошлаганда, унинг овозида на хурсандлик ва на илиқлик сезилди.

— Сенмисан, Камау?... Биз бўлсак...— у тутилиб қолди. Камау аёллар бирдан ҳайратланиб, ҳатто кўркиб кетишганини пайқади.

«Наҳотки, мени унутиб юборишган бўлса? — деб аламла ўйлади Камау. У хотинлардан эски қишлоқ вайрон қилинганлигини, унинг ўрнига янги қишлоқ қад кўтарганини билиб олди. Мана, ҳатто қадрдон қишлоғи ҳам уни кутиб туролмабди. У бўлса туғилиб ўсган уйи, дўст-биродарларини қандай соғинган эди-я! Ота-онасини-чи !Мутони! Юраги бежо ура бошлади. Ахир, ўшанда, уни инглизлар қамашганда, улар турмуш қуришганига эндигина икки ҳафта бўлганди, холос. Бошқалар қатори уни ҳам нари-бери сўроқ қилиб, судсиз қамоққа ташлагандилар. Шу йиллар давомида у гўзал, севимли хотинини бир минут ҳам ёдидан чиқармади. Лагердаги унинг бошқа дўстларига ҳам осон тутиб бўлмасди.

У Мурайти деган маҳбусни эслади. Бир куни карьерда тош йўнишаётганда, у қаддини зўрға ростлади-да, оғир хўрсинди. Унинг нурсиз кўзлари узоқларга тикилганди.

— Сенга нима бўлди, биродар!— деб сўради ундан Камау.

— Мени олиб кетишганда, хотинимнинг ой-куни яқинлашиб қолганди. Унинг ҳоли нима кечганикин, шуни ўйласам юрагим эзилиб кетади.

— Мени тутиб олганларида эса, биз ўғил кўргандик,— деб унинг гапини илиб кетди бошқа маҳбус.— Шундай суюнган эдикки, лекин бу кувонч узоққа бормади.

Камаунинг болалари йўқ эди. У, ҳатто, ҳали хотинининг ота-онасига тўланажак қалин пулининг ҳаммасини тўлаб улгурмаганди. Энди ҳаммаси яхшиланиб кетади. У Найробида қалби хўрлик ва ғазабдан қонталашиб кетган. Бир кун келиб «Вазунгуянинг кули кўкка совурилади. Халқ озодликка чиқади, ана шунда— буни у кўз олдига ҳеч келтиролмасди — шунда унга ҳатто пашша ҳам озор беролмайди.

У қишлоқ кўчаларидан бораркан, одамлардан ҳеч кимни танимасди. Нотаниш одамлар унинг уйини кўрсатиб қўйишди. Камау нафасини ростлаб олиш учун эшик олдида бир оз тўхтади. Узоқ йиллар давомида интизорлик билан кутган дақиқалар яқинлашганди.

Уч оёқли стулда букчайганича отаси ўтирарди. Шўрлик, жуда кексайиб қопти-я! Камаунинг чолга раҳми келганидан, юраги сиқилиб кетди. Шундай бўлсаям, ҳамма қийинчиликларга бардош бериб ўғлини келишигача ўлмабди. Ўғлини кутибди.

—Отажон!

Чол индамади. Фақат унга ажабтовур қараб қўйди. Камау ҳайрон бўлиб қолди.

— Отажон, наҳотки танимаётган бўлсанг?—Тўсатдан чол дарахт япроғидай титрай бошлади. Унга бақрайиб қараганича, ўз кўзларига ишонмасди. Онаси ва укалари келиб, уни ўраб олишди. Онаси унинг бўйнига осилганича хўнграб йиғлаб юборди. У жуда қариб қолганди.

—Ўғилгинам, келишингни билардим. Кўнглим сезганди.

— Мени ўлди, деб ким айтди?

—Ньогуинг ўғли Каранжа...

Шундагина Камауга ҳаммаси равшан бўлди: отасининг титраб қақшаши-ю, сой бўйидаги аёлларнинг ётсирашлари. Қизиқ, ахир у лагерда Каранжани ҳечам учратмаганди-ку. Ҳозир бу тўғрида гапиришнинг фойдаси йўқ. У интизор кўзлари билан Мутонини ахтарарди. Қаердайкин-а? «Мутони, мен қайтиб келдим»,— деб қичқириб юборишига сал қолди. Унинг аҳвол-руҳиясини кузатиб турган онаси дард-алам билан:

—Мутони кетиб қолди,—деди.

Камау тошдек қотиб қолди. У ҳеч нарсани пайқамаётган кўзлари билан теварак-атрофга анқаярди. У нима учун Мутони уйдан кетганлигини сўрамоқчи бўлди-ю, лекин ҳақиқатни билишга унда бардош йўқ эди. Мутони кетиб қолганига унинг ишонгиси келмасди. Лекин сой бўйида учратган аёлларнинг ҳайратланиб қарашларининг боисини энди тушунди.

—Кетиб қолибди,—деб шивирлади алам билан ва уйдан чопиб чиқиб кетди.

— Ўғлим, болагинам, тўхта...

Камау Хонеин сойи қирғоғида турар, у сувнинг жилоланишига маҳлиё бўлгандек қотиб қолганди. У костюмини ечмоқчи бўлувди, елкасидаги тугунча сойга тушиб кетди ва Камау нима ҳодиса рўй берганини англагунча, ҳасов тўлқинлар уни оқизиб кетди. Тугунчада хотинига атаб олган майда-чуйда тақинчоқлар бор эди. Уни нина билан қудуқ қазигандек қийинчилик билан топганди... Насиб қилмаган экан... Бирдан у енгил тортгандай бўлди. У пўнғиллаганича костюмини ечиб кийди: «Хўш, нега энди у мени кутиши керак эди? Мен лагердалигимда ахир ҳаёт бир жойда қотиб қолмаганди-ку...»

—Ўғлим!

У ён атрофига аланглади. Баланд тепаликда ой шуъласига чўлғанганча онаси турарди. Фақат ҳозиргина унинг ажин босган юзида ғам-алам ва хавотир кўланкасини кўрди.

Камау онаси унинг ортидан изма-из келганини сезди.

—Онажон... — овози қалтираб кетди. — Юр, уйга қайтамиз...

Ҳикоят МАҲМУДОВА таржимаси.



СУРАТДА: шу йил кузда шаҳримизда меҳмон бўлган Югославия жамоат-маданият делегацияси аъзоларидан бир группаси. Меҳмонлар В. И. Ленин музейи экспонатлари билан танишаётган пайт.

Шахмат оламида

„ЧИНОР“НИ ҚУЛАТИШ ОСОН ЭМАС

СССР терма командаси билан жаҳоннинг қолган бошқа ҳамма мамлакатларида яшовчи энг кучли гроссмейстерлар ўртасида биринчи марта ўтказилган матч халқаро шахмат ҳаётида улкан воқеа бўлди. Югославиялик мутахассислар зиммаларига олган машаққатли вазифаларини аъло даражада бажардилар. Улар бу билан ҳам чекланмадилар: «Аср матчи» тугаши биланоқ энг машҳур гроссмейстерлар иштирокида блиц-турнир ташкил этдилар. Бу ҳам халқаро миқёсда биринчи марта амалга оширилган тадбирлардандир. Одатда блиц ўйини нариси билан ўн минут давом этади. Дастлаб рақибларнинг ҳар бирига беш минутдан вақт берилади. Шу орада мот қилиш керак ёки бирор томоннинг вақти етишмаслиги туфайли жанг тугайди. Бунда ниҳоятда эпчиллик талаб этилади. Ўнинчи секундига бир нечталаб юришларни ҳисоблаши, вазиятга тўғри баҳо бериши, рақиб ижодидаги афзалликлари камчиликларни назарда тутиши даркор. Акс ҳолда ютуқ нима қилсин. Ўн икки забардаст гроссмейстернинг яшин тезлигида олиб борган кураш тафсилотлари ҳам изсиз қолмаслигини кўзда тутган мутахассислар бунинг ҳам йўлини топдилар: бирданига олти тахтада олиб борилган яшин тезлигидаги жанглар махсус судьялар кўмагида магнитафон лентасига ёзиб борилади. Қатнашчилар ўзаро икки мартадан учрашдилар. Натижада «Аср матчи»да ўзини кўрсатган америкалик Роберт Фишер яна голиб чиқди. 22 учрашувнинг 17 тасини ютди, 4 ўйинни дуранг қилиб, фақат биттасидан мағлуб бўлди. Кейинги мукофотли ўринлар совет гроссмейстерлари М. Таль, В. Корчной, Т. Петросянга тегди. Ажабо, собиқ жаҳон чемпиони М. Талнинг ёзишича, Роберт Фишер беш мунтазам ўйинларнинг бирортасида биронта пиёдасини ҳам бекорга ташлаб кетмабди?! Беш соатлик нормал ўйинда қандай ўйнаган бўлса блицда ҳам худди ўша тарзда: оддий, мантиқан, усти ялтироқсиз ўйнабди. Блиц-турнир тугаши билан Югославияда учинчи катта мусобақа бошланди. Уни «Аср турнири» деб аташди. Унда ўнта гроссмейстер, жумладан Р. Фишер Т. Петросян, В. Корчной, В. Смислов, С. Глигорич, В. Горт каби зўрлар ва саккизта мастер иштирок этди.

Кескин жанглардан сўнг яна Р. Фишер голиб чиқди. Собиқ жаҳон чемпионлари Т. Петросян, В. Смислов ҳам ленинградлик В. Корчной чехословакиялик В. Горт ва югославиялик Глигорич ҳам Фишердан ками билан икки очко ортда қолдилар. Турнир голиби ўн учрашувни ютди, олтитасини дуранг қилди ва биттасидагина мағлуб бўлди. Мана ўн уч йилдирки, шахмат олами Фишерни яхши танийди. Уни ёзиб юрган гроссмейстер, журналист қаламини қайрагани йўқ эса ярқираб бораётганлиги билан ўзлигини кўрсатмоқда. Хулқ-атворидаги камчиликларга келганда, шуни айтиш керак: бунинг сабабчиси яшаётган, тарбияланаётган мамлакати муҳитидир.

Қисқаси шуки, 27 яшар Р. Фишер шу кунда совет шахматчилари қатори жаҳон шахмат тожи учун ҳам бемалол кураша оладиган ягона чет эллик гроссмейстердир. Буни биринчи галда совет шахматчилари эътироф этяптилар. Фишернинг ўйин услубидаги асосий афзалликлар нимада, деб ўйлайсиз?— деган саволга жаҳон шахматчилари ўз характери ва шахматдаги маҳоратини тобора яхши томонга буришга ҳаракат қилган Фишер эндиликда анчагина камтар, ҳушмуомалалиги, таланти тараф кам. 15 ёшида гроссмейстерлик даражасига кўтарилган, АҚШнинг саккиз марта чемпиони бўлган Роберт Фишер ҳозир шахмат ҳурматини қозонган, ҳамманинг фикру - зикридагилардан бири, ленинградлик Виктор Корчнойнинг жавоби бундай бўлди:

— У мушоҳадаси жуда кенг шахматчи. Аниқ ҳисоб талаб қилувчи мураккаб вазиятда, айниқса, жуда яхши ўйнайди. Аниқ ҳисоб юритиш билан бирга, ташаббусга эришиш йўллэрини доимо ҳал сезади. Имкониятларнинг энг яхшиларини танлашда ҳам унга тенг келадиган шахматчи йўқ.

Мутахассисларни нг фикрича, зоналараро турнирнинг олти голиби орасида Фишер ҳам бўлади. Бинобарин, жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилувчи бу олти голиб ва Тигран Петросян билан Виктор Корчной қатори Фишер ҳам Борис Спасскийга рўпара бўлиш умидидан четда қолмайди. Лекин кимнинг умиди рўёбга чиқишини ҳеч ким аниқ каромат қила олмаслиги турган гап. Агар америкалик гроссмейстер-у мутасаддиларнинг тихирлиги туфайли у бу сафар ҳам олий табақадаги кураш минтақаларига киролмай қолса, яна гап кўпайиши муқаррар.

Шунинг учун ҳам Фишернинг кучига холис баҳо бераётган Совет шахмат ташкилоти жаҳон чемпиони ва бунга асосий даъвогарлар қандай қилиб бўлса ҳамки уни бу жангга киритишнинг ҳақиқий тарафдорлари бўлиб чиқдилар.

Фишер куч жиҳатидан ҳозир етакчи совет гроссмейстерларид а н қолишмайди. Лекин забардаст вакилларимизнинг айримлари Фишерга ён берадиганлардан ҳам эмас. Ҳар қалай, чет эллик шахматчилар орасида Фишердан бўлак ҳеч кимса шахмат «тахти»га яқин йўлай олмайди.

Дарвоқе, яна бир муҳим воқеани ҳам ўртага ташлаш керак. Яқинда ГФРнинг Зиген шаҳрида XIX жаҳон шахмат олимпиадаси якунланди. Совет шахматчилари кетмакет ўнинчи марта кубок ҳамда олтин медалларни қўлга киритдилар. Уларнинг пешқадами — жаҳон чемпиони Борис Спасский биринчи тахтада голиб чиқди. Айниқса, унинг Фишер билан учрашуви катта шов-шувга сабаб бўлди. Спасский устидан бирор марта ҳам устун келолмай доғда юрган Фишер, шу сафар ниятига етиш учун бутун кучини сарфлади. Ўша куни америкаликлар унинг шарафига катта зиёфат бермоқчи бўлиб, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйишди. Бироқ уларнинг «валиахди» шахмат шоҳининг синовларига бардош беролмай, зиёфатдан қуруқ қолди, шахсий шуҳратини мустаҳкамлаш, Спасскийнинг ҳақиқий рақиби фақат ўзи эканлигини шахмат оламига ёйишдан маҳрум бўлди.

Шахмат тожи совет шахмат мактабининг илғор вакилларидан бирида — забардаст гроссмейстерда экани яна бир бор тасдиқланди. Худога қилиб айтганда, Борис Спасский —улкан «чинор». Уни қулатиш осон эмас!

М. МУҲИДДИНОВ.
СССР спорт мастери.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● *Пойтахтимиз экранларида*

«ТРЕСТ» ОПЕРАЦИЯСИ

Йигирманчи йилларнинг биринчи ярмида акс инқилобий ҳаракатлар расман бостирилган бўлса-да, амалда давом этарди. Россияда қолган контрреволюционерлар оқ муҳожирлар билан бирлашиб, совет республикасини ҳам ички, ҳам ташқи ҳужум ёрдамида емириб ташламоқчи эди. Шу мақсадда бир қанча акс инқилобий ташкилотлар тузилади.

«Трест» деб номланган ташкилотнинг ҳам мақсади ёш совет давлатини йўқ қилиш. Бироқ ВЧК ҳамда ОГПУ ходимларининг тадбиркорлиги натижасида бу ташкилот бошқа акс инқилобий ташкилот вакилларини қўлга олиш мақсадида хизмат қилади. Бунда ташкилот лидери А. А. Якушев ҳамда собиқ чор генерали, Қизил Армия командири Потаповларнинг хизмати жуда катта.

«Мосфильм»да постановкачи-режиссёр Сергей Колосов А. Юровскийнинг сценарийси асосида яратган «Трест операцияси» телефильмида ана шу воқеалар акс эттирилган.

Бу телефильмда иштирок этган актёрлардан кўпи ёркин образлар яратишга эришган. ВЧК контрразведка бўлими бошлиғи Артузов ролини ижро этган А. Жигарханян ҳам, А. А. Якушев образини яратган И. Торбачев ҳам, казак офицери террорчи ўз мақсадини муқаддас билган мустаҳкам иродали Л. Касаткина ҳам, «Трест»нинг ашаддий аъзоси Эдуард Оттович ролини ижро этган Д. Баниониус ҳам образ моҳиятини, факт ва воқеалар моҳиятини чуқур тушунганликларини намойиш этганлар.



«ПОЁНСИЗ ЙЎЛЛАР»

Бу фильм Германия Демократик Республикасининг оддий кишилари ва уларнинг тақдирлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ханнес — шофер. У ҳайдайдиган юк машинасида ўзини худди уйидагидек ҳис қилади ва ҳамма вақт навбатдаги рейсга жони дили билан жўнайди. Унга узоқ масофалар га боришга тўғри келарди. шунинг учун у йўлда ҳамроҳ олишни яхши кўради.

Кунлардан бир кун Ханнеснинг кабинасига бир йигитча ўтиради. Герб яқинда мактабни тугатган, лекин ўқишни давом эттиролмади, у ўз тенгишлари билан уришиб, иш қидириб кетди.

Ханнес билан Герб тез орада дўстлашиб, бирга ишлайдилар. Улар бир-бирини жуда ҳурмат қилишади. Ўзига ишонмаган бу йигитга Ханнеснинг қаттиққўл ва принципиаллиги жуда ёқади. Герб эса ундаги қувноқлик хушчақчақлик каби хислатларни ёқтиради.

ГДРнинг «ДЕФА» киностудияси маҳсулоти.

«ҚИЗИЛ ЧОДИР»

(ИККИ СЕРИЯЛИ)

1928 йил. Милан Тантана-ли равишда давлат гимни янграяпти. «Италия» дирижабли генерал Нобил бошчилигида Шимолий қутбга учишни бошлади. Европа устидан учиб ўтиш вақтида Нобил экипажи ўн беш кишидан иборат бўлиб, Шпицберген оролидаги Кингсбеда қўнишди. Шу ердан стартга! Тарихда биринчи бўлиб бу экспедиция қутбда илмий иш олиб бориш учун юборилади.

Поёнсиз музликлар устида дирижабл учмоқда. Мана мақсадга ҳам эришди! «Италия» Шимолий қутб устида».

«Мосфильм» ва Италия киностудиялари ҳамкорликда ишлаган бу фильм асосан шу ишни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган саргузаштлар ҳақида ҳикоя қилади.

Суратларда: фильмлардан кадрлар.





ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1.XIIда **Йўлчи Юлдуз**, 2.XIIда **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2.XIIда **Елғончи дарвоз**, 3.XIIда **Қалам қошлигим**.

Кино

1 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (3-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Трест» операцияси — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5 ва кеч 6 да).

2 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

«Трест» операцияси —«СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 5 ва кеч 6 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

«ЯНГИ УЧРАШУВЛАР»

ЭШЛАР КОЛЛЕКТИВИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

Қизиқарли цирк томошалари.
Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари; кундуз соат 3 ва кеч 6 да;

якшанба кунлари; кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

ГРАЖДАНЛАР!

ИСИТИШ ПЕЧКАСИДАГИ ГАЗНИ ЁҚИШДАН ОЛДИН:

Бинони шамоллатиш ва газ ҳиди йўқлигига ишонч ҳосил қилиш керак;

Ўтхона остидаги ҳаво кирадиган эшикчани очиш, ўтхона ва мўрини шамоллатиш;

Горелкага қоғоз тутиб тортиш кучини текшириш лозим;

Горелка ишлаётганда ўтхона остидаги ҳаво кирадиган эшикча очиқ ҳолда бўлиши лозим.

ЁДДА ТУТИНГ!

Ҳамма печналар алоҳида ажратилган мўри, герметик ўтхона ва ўтхона остидаги ҳаво кирадиган эшикчага эга бўлиши шарт.

Печкаларни ёқиш мавсумидан олдин мўрини текшириш ва текширув актини район эксплуатация конторасн (райгаз)га тақдим қилиш керак.

ГАЗНИ ЁҚИШ УЧУН;

Ўтхона олдидаги кранни очиш ва сўнг ёқиш лозим;

Электромагнит клапанини босиб 1-2 минут ушлаб туриш керак.

Кнопкани қўйиб юбориш ва ўт нормаль ёнаётганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг горелка кранини очиш ва лозим бўлса регулировка қилиш керак.

Вентиляция каналлари ва мўрининг текширилганлиги тўғрисидаги акт йўқлигида;

Мўрида тортиш кучи бўлмаганда;

Ёнмаётган горелкаларда кранлар очиқ ҳолида қолганда;

Электромагнинг клапани боғлаб қўйилганда иситиш печкасидан фойдаланиш;

Ҳамда унга болалар ва печкадан фойдаланиш қоидалари билан таниш бўлмаганларни йўлатиш

ТАҚИҚЛАНАДИ


ГАЗ ҲИДИ СЕЗИЛГАН ТАҚДИРДА;

Кранларни маҳкам беритинг, бинони шамоллатинг, ўт ёқманг, электр чироқларн ва асбобларидан фойдаланманг, тезда 55-26-20; 55-26-21 ёки 04 телефон номери бўйича авария хизматини чақиринг.

Иситиш печкасининг газини регулировка қилиш ва тузатиш бўйича турар жойдаги район эксплуатация хизматига учрашилсин.

ИСИТИШ ПЕЧКАСИДАН ФАНДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

«ТАШГАЗ» тресги.



10 декабрь кундуз соат 2 яримда Тошкент политехника институти қурилиш ва архитектура факультетларининг совет кенгаши (Я. Колос кўчаси, 16-уй) да архитектура фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

И. К. Мирошниченко: «Совхоз - участкаларининг турар-жой лоиларини архитектуралойиҳалаш бўйича ташкил қилиш масалалари «(Шимолий Қозогистон мисолида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ.

Диссертация билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уй) да танишиш мумкин.

10 декабрь кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалик институти илмий совет кенгаши (Олмазор кўчаси, 183-уй) да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. Р. Алимов: «Фарғона область колхозларида пахтачиликни механизациялашнинг иқтисодий самарадорлиги» деган темада;

Ч. Тожиева: «Қўриқ ерларни суғоришга капитал қўйилмалар, уларнинг ташкил топиши ва самарадорлиги» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

УЗБЕКИСТОН КИТОБ САВДОСИ БИРЛАШМАСИНИНГ РЕСПУБЛИКА КИТОБ БАЗАСИГА

(Ўзбекистон кўчаси, 98-уй)

Омборчилар, фактурачилар, ишчилар

КЕРАК

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-РЕМОНТ КОРХОНАСИГА

(Б. Хмельницкий кўчаси, 58-уй)

газ электр пайвандчилар, 1—6 разрядли электрчилар, қозончи-слесарлар.

Меҳнат ҳақи вақтбай. Ҳар ойда 40% гача мукофот тўланади.

КЕРАК

Тошкент шаҳар. Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ва район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

14 декабрь кундуз соат 2 да Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг бирлашган илмий совет кенгаши (Петров кўчаси, 51-уй)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Н. К. Нестерова: «Экспериментда бўғин тоғайини кўчириш ва солиш операцияси» деган темада;

Б. С. Турсунов: «Экспериментда умуртқа танасидаги сил процесси ҳамда операция жароҳатининг умуртқа поғанасини ўсиши ва шаклланишига таъсири» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (генерал Петров кўчаси, 51-уй)да танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

30 НОЯБРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида: 18.00** «Советский воин», Тележурнал. **18.50** «Ахборот» информацион программаси. **19.05** Александр Блок билан учрашувлар. **19.55** Реклама.

Узбек тилида: 20.00 «Ахборот» информацион программаси. **20.15** Ботир Зокиров куйлайди. **20.55** Оламда нима гап? **21,25** «Ўғил бола гап». Вадиий фильм **22,55** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ
ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 Ўқитувчи экрани. **18.20** Биология. 10-синф. «Одам эволюциясининг босқичлари ва факторлари». **19.00** Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Янгиликлар. **20.05** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». **20.30** «Объектив». Фото ҳаваскорлар клуби. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Социализм дунёси. **21.30** Рус операларидан саҳналар. **22.00** «Вақт» информацион программаси. **22.30** Рангли телевидение. Хоккей бўйича СССР чемпионати. ЦСКА—«СПАРТАК». **00,45** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КУРСАТАДИ

Рус тилида: **18.00** Экран — болаларга. **18.40** Борис Коваленко — ҳақиқий инсон». **19.30** Янгиликлар. **19.45** «Қизил тоғлар хўжайини». Кинофильм.

РАДИО

30 НОЯБРЬ

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.20 Қозоқ шоирларининг янги шеърлари. **18.00** «Наманган зарбдори». Қурувчилар учун эшиттириш ва концерт (русча). **19.20** Ўзбек халқ куйлари. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **20.40** Куйлар. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахтакорлар учун концерт. **21,55** «Саломатлик — туман бойлик» (ўзбекча). **22.20** Рақс куйлари. **22.40** Замондошларимиз». Адабий эшиттириш (ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти. **24.00** Тунги музикали программа.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Т. Содиқов ва С. Юдаковнинг камер куйлари. **19.30** «Абадий барҳаёт қўшиқлар». Музикали ҳикоя (русча). **20.00** П. Вейнновнинг «Мутахассис» номли ҳикояси (тожикча). **20.20** Мақом кечаси. **21.00** «Жаҳон адабиёти классиклари». Томос Манн. «Мушкул дақиқа» новелласи (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 К. Симонов «Тўртинчи». Халқ радиотеатрининг спектакли (русча).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ
30 НОЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95, эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3170.
Р—04592.